*Қонун ва шарҳ*

# ҲИСОБ-КИТОБ ВАҚТИДА БЎЛСИН

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Қонун матбуотда эълон қилинган кун — 1995 йил 28 декабрдан кучга кирди. Шу муносабат билан ушбу Қонуннинг мақсад ва талаблари хусусида газетхонларимизга гапириб беришни республика Давлат солиқ қўмитасининг Солиққа тортиш услубиётини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғи Эркин Файзиевич ГАДОЕВдан илтимос қилдик.***

«Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида унинг мазмуни ва амал қилиш доираси белгиланган. Қонуннинг 2-моддаси моҳиятига кўра амалдаги солиқ қонунчилиги ва бошқа қонунларга кўра ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг тўлов муддатлари белгиланган. Улар давлат бюджетига ёки бошқа бюджетдан ташқари фондларга шу муддатларда ўтказиб берилиши лозим. Агар шу муддат корхона ва ташкилотлар ёки жисмоний шахслар томонидан сабабли ёки сабабсиз ўтказиб юборилса, бу тўловлар «ўз вақтида тўланмаган» ҳисобланади ва тегишли тартибда ундириб олиниши лозим.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тўлов муддатлари ўтиб кетган, аммо тўланмаган тўловлар учун маълум миқдорда жарима (пеня) ҳисоблаш кўзда тутилган. Бу жарималар ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланиши лозим бўлиб, бу қоида 3-модданинг мазмунини ташкил қилади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоб-китобларини тузиш корхона ҳамда ташкилотларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади, солиқ ва тўловни йиғувчи тегишли органларга тақдим этилади. Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ўз вақтида бюджетга тўланмаган солиқларни сўзсиз ундириш вазифаси солиқ органларига, бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига тўловларни ундириш эса — судларнинг зиммасига юклатилган. 6-моддага асосан ўз вақтида тўланмаган солиқлар ёки мажбурий тўловларни сўзсиз ундириб олиниши чоғида аввал тўлов, кейин эса жарима (пеня) ундирилади.

Қонунда банк муассасаларининг ушбу йўналишдаги вазифалари ҳам белгилаб берилган. Агар корхона ва ташкилотлар томонидан тўлов топшириқномаси топширилган бўлсаю, аммо банкнинг айби билан тўлов муддати кечиктирилса, банк амалдаги қонунчиликда белгиланган миқдорларда жарима (пеня) тўлайди. Бу қоида 7-моддада ўз аксини топган.

Қонуннинг 8-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаган корхона ва ташкилотларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган тўловларни сўзсиз ундириш чоралари сифатида уларнинг банкдаги ҳисоб рақамларидаги маблағларни ёки уларга қарздор (дебетор) бўлган корхоналардан олиниши керак бўлган суммаларни бюджет даромадига ёки бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисоб варағига ўтказиш белгиланган. Ўз вақтида тўланмаган суммаларни сўзсиз ундириш тўғрисидаги инкасса топшириқлари солиқ органлари томонидан уч иш куни давомида банкка топширилиши кўзда тутилган. 9-моддага мувофиқ солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш тартиби республикамизнинг халқаро шартномаларида бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса, хорижий ҳуқуқий шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Қонуннинг 10,- 11-, 12-моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ўз вақтида тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни суд органларининг қарори асосида ундириб олиш ёки уларни мулкларига қаратилиши белгиланган.

Агар давлат корхоналаридан ёки жисмоний шахслардан, уларнинг тўлов имкониятлари йўқлиги туфайли, ўз вақтида тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш имконияти бўлмаса, бу суммалар қуйи солиқ органларининг тегишли маълумотлари асосида давлат корхоналаридан Давлат солиқ қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, жисмоний шахслардан эса, суднинг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилади. Ортиқча тўланган суммалар тўловчиларга қайтарилиши лозимлиги 13 ва 14-моддаларда белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонун бюджет тўловларининг ўз вақтида амалга оширилишига ҳамкорлик кўрсатиб маош, нафақа ва бошқа тўловларнинг, аҳолига ижтимоий пул ёрдамларининг вақтида тарқатилишини таъминлайди.

**Ибодулла ЎСАРОВ ёзиб олди.**

*Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

## ИШЧИЛАР ШАҲАРЧАСИДА НОН ЦЕХИ

**Қоровулбозордаги нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводининг ҳали қурилиши олиб борилаётган ишчилар шаҳарчасида «Ширин кулча» цехи қисқа муддатда қуриб битказилди. У бир кунда 12 тонна нон ва нон маҳсулоти етказиб беряпти. Эрта-индин унинг қаршисида чиройли қаҳвахона ҳам қад ростлайди.**

**Шунисидан дил қувонадики, бу ерда мамлакатимизнинг турли бурчаги, вилоятидан қурувчилар кўмакка келишган. Ўндан зиёд қурилиш трестининг 5 мингдан ортиқ қурувчилари мамлакат ёнилғи мустақиллигини таъминлашга хизмат қиладиган бу корхона тақдири билан ўз тақдирларини боғлашган.**

**Бу ерда яна қисқа даврда 60 та уй-жой қурилди. Тез ойлар ичида кўзланган 400 та шинам уйлар қуриладики, у Қоровулбозор бўй-бастини элга намоён этади.**

**Д. БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## КЎМАК КЎНГИЛНИ ШОД ЭТАР

Меҳр-мурувватли инсонлар ҳамиша бошқаларга мададга шошиладилар. Избоскан туманида қатор ташкилот, корхона ва жамоаларнинг Чувамадаги ақли заиф хотин-қизлар интернатига шу кунларда кўрсатган хайрия ёрдами ҳам бунинг тасдиғи бўлди.

Чувама ип-газлама фабрикаси 750 та иссиқ халат, туман улгуржи ва чакана товар ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти 120 жуфт калиш, пахта тозалаш заводи 250 та халат, атлас тўқиш фабрикаси 250 та аёллар кўйлагини шу жойда истиқомат қилаётганларга ҳадя этдилар. Тадбиркор Муътабархон ая Абдуллаева ўзи раҳбарлик қилаётган кичик корхонада анча арзон баҳода пахталик, иссиқ кийим-бош тикиб беришни зиммасига олди.

— Корхоналар, жамоалар ва тадбиркорларнинг ҳомийлик ҳимматидан кўпчилик хурсанд, — дейди хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Избоскан туман ҳокимининг муовини Мунисхон Жўраева. — Халқимизнинг саховатпешалигига нима етсин!

**А. СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Хайрия тадбири*

# ДИЙДОРЛАШУВ





«У нимадир емадилар — тўйдилар?..»— Бир вақтлар машҳур туркман шоири Махтумқули дўсти Дурди шоирдан шундай деб сўраганда, у қуйидагича жавоб қилган эди: «У дийдордир емадилар— тўйдилар!»

Ҳақиқатан ҳам шундай. Дийдордан кўра буюк неъмат йўқ. Айниқса, одамларнинг бир-бири билан дийдорлашувини уюштиришдек ишга қўл уриш ўта савобдир. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вакиллари аскарлар билан уларнинг ота-оналарининг дийдорлашувини уюштириб, ана шундай катта савобга эга бўлишди.

Ушбу тадбирга биноан олисда жойлашган ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ўғлонлар ҳузурига сафар қилинди. Бундан ташқари, аскарлар учун янги йил совғалари ҳамда турли озиқ-овқат маҳсулотлари олиб борилди.

Ушбу тадбир ўзига хос байрамга айланиб кетди. Тошкентдаги маҳаллаларнинг вакиллари, ота-оналар фарзандлари дийдорига тўйдилар. Аскарларнинг ошхонасини кўздан кечирдилар. Бу ерда катта дастурхон атрофида бир пиёла чой устида мароқли суҳбатлар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби билан ишлаш бошқармаси бошлиғи полковник Баҳодир Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кеңгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков, қисм бошлиғи Баҳодир Ғафуров, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Абдували Ғуломмаҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Баҳриддин Наимов, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси Шукур Темуров ва бошқалар сўзга чиқиб, Ватанимиз сарҳадларини мудофаа қилишдек шарафли вазифа билан банд бўлган йигитларимизни байрам билан қутлашди. Уларга яхши тилаклар билдиришди.

Учрашув давомида Тошкентдан борган уста ошпазлар Алишер Очилов ва Файзулла Зокиров томонидан дамланган байрам палови дастурхонга тортилди.

Бу дийдорлашув ота-оналарда ҳам, йигитларда ҳам яхши таассурот қолдирди.

— Мен ўғлимни армияга кузатаётиб, анча хавфсираган эдим, — дейди Муҳаммадямин Акрамов. — Лекин хавотирланишга ўрин йўқ экан. Бу ерда зобитларнинг меҳрибонлигини, болаларимизга ғамхўрлигини кўриб қувондим. Аскарларнинг ошхонасини ҳам, ётоқхонасини ҳам кўздан кечирдим. Яратилган шароитни кўриб ўзимда йўқ қувондим. Мен ота-оналарга фарзандларингиздан хавотирланишга ўрин йўқ, дегим келади.

Биз ҳам ўғлонларимизга нисбатан шундай дегимиз бор:

— Эй, мустақил Ватанимизни қўриқлаётган ўғлон! Сен хотиржам ҳарбий маҳоратингни ошириб, Ватанни қўриқлайвер. Отанг ҳам, онанг ҳам, маҳалла-кўйдаги таниш-билишлар ҳам сенинг дуойи жонингни қилиб туришибди. Улар ҳам, эл юрт ҳам, Ватан ҳам сенинг хизматларингни унутмайди!

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

***Суратларда: хайрия тадбиридан айрим лавҳалар.***

**Шоназар ИБРОҲИМОВ ва Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**БУХОРО (мухбиримиздан). Яна бир йилдан кейин қадимий ва навқирон шаҳар ўзининг 2500 йиллигини нишонлайди. Ҳозир шаҳарда ободонлаштириш ишлари авж олган. Шаҳарликларга транспорт хизмати кўрсатиш ишларига ҳам аҳамият берилмоқда. Яқинда 15,4 километрли троллейбус йўли ишга туширилди. Энди вилоят шифохонасигача борадиган киши бир неча транспортга тушиб юрмайдиган бўлди. Бухоро шаҳри билан Когон, Галаосиё оралиғида ҳам троллейбус қатнайдиган бўлади.**

**Б. ДАВРОНОВ.**

***

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ўсимликшунослик институти Андижон бўлимида шакардан қолишмайдиган стевия кўчати етиштириш йўлга қўйилганди. Субтропик ва кўп йиллик бу ўсимлик Жалолқудуқ туманидаги Т.Тошматов номли деҳқон-фермер хўжалиги мутахассисларига ёқиб қолди. Улар стевияни 20 сотих майдонда парваришлаб, 200 килограмм ҳосил олишди. Ҳаридор ҳам топила қолди. Тўрақўрғондаги қандолатчилик корхонаси харид қилди.

**С. АҲМАДИЛЛОЕВ.**

***

**НАМАНГАН (мухбиримиздан). Тўрақўрғондаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамиятини мамлакатда ҳам яхши билишади. Бу ерда енгил автомобилларнинг шатакли аравачалари, от аравалар, иситиш воситалари, қандиллар каби ўнлаб буюмлар тайёрланмоқда. «Оҳангар» яқинда қўшма корхонанинг таъсисчиси ҳам бўлди. Бу корхонага «Бахт» номи берилди. Болгариялик шериклар — «Вено» фирмаси унумли тегирмон ускуналари етказиб берди.**

**Бир кеча-кундузда 6 тонна дон қайта ишланмоқда. Энди ана шу ундан макарон, печенье ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш мўлжалланмоқда.**

**Н. АБДУЛЛАЕВ.**

***

ХОРАЗМ(мухбиримиздан). Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалигида «Хоразм» деб номланган ҳужжатли, бадиий кино ва видео фильмлар студияси ташкил қилинди. Унга республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Солий Давлатов бошчилик қилмоқда. Киностудия буюк аллома Нажмиддин Кубронинг 850 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмни суратга олишни ниҳоясига етказмоқда. Анъана ва қадриятларимизга бағишланган фильмлар яратиш режалаштирилган. Киностудияга ҳокимликлар, Хоразм сув қурилиш тресті «Урганчтрансгаз» ва Хоразм автомобиль йўллари қурилиши бирлашмалари ҳомийлик қилмоқда.

**Қ. МУҲАММАДРИЗО.**

***

**САМАРҚАНД (мухбиримиздан). «Аслида инсон танасига тиғ текгизмай даволаш тарафдоримиз, — дейди тиббиёт институти иккинчи шифохонаси бош врачи ҳожи Улуғов, — шифохонамизда лазер ёрдамида беморларни даволашга аҳамият берилаётгани ҳам шундан». Лазер марказида махсус компьютер инсон танасидаги дардни тезда аниқлаб, ташхис қўйишга имкон бермоқда. Муҳими шундаки, бемор оғриқ сезмайди. Чунки лазер жарроҳлигида кесиш ёки тикишга ўрин қолмайди.**

**Ф. ТОШЕВ.**



***Шаҳрисабз қизи: — Момоларим, оналарим касби бу!***

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ
ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

· Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалиги 1995 йилнинг ёзида бир неча бор табиий офатга дуч келганига қарамай, мамлакат улкан миқдорда ғалла ҳосили тўплади. Ўтган йили йиғиб олинган ялпи ҳосил 466 миллион тоннани ташкил этди. Бу эса 1994 йилга нисбатан 21 миллион тонна кўпдир.

* * *

**· Афғонистонда биродаркушлик уруши ҳамон давом этмоқда. Ўтган душанба куни «Толибон» ҳаракати қўшинлари Кобулнинг жанубий ҳудудини тўплардан ўққа тутди. Натижада 4 киши ҳалок бўлди, 26 нафар одам жароҳатланди. Мамлакат пойтахтида толибчиларнинг ўқидан ўтган бир ой ичида 72 киши ҳалок бўлган.**

* * *

· Бангладеш ҳарбий кучлари бўлинмалари мамлакат аҳолисидаги мавжуд қуролларни йиғиб олишга киришди. Мазкур умумхалқ тадбири жорий йилнинг февраль ойида бўладиган сайловнинг осойишта ўтишини таъминлаш мақсадида қилинмоқда, дейилади мамлакат ҳукуматининг ана шу муносабат билан чиқарган қарорида. Айни пайтда аҳолидан қуролларни йиғиб олиш учун хавфсизлик ва полиция хизмати ходимлари жалб этилган.

* * *

**· 1995 йилда ХХР билан АҚШ ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 40 миллиард АҚШ долларига етган. Бу икки мамлакат муносабатлари тарихидаги энг юқори савдо кўрсаткичидир. Хитой ташқи савдосида АҚШ, Япония ва Гонконгдан сўнг учинчи ўринда, ўз навбатида АҚШнинг бошқа давлатлар билан савдо иқтисодий алоқаларида Хитой олтинчи ўринда турар экан.**

* * *

· Босния ва Герцеговинада тинчлик битимини амалда жорий этаётган кўпмиллатли қўшинлар таркибидаги АҚШ аскарлари ҳарбий жиноятчиликда айбланаётган шахсларни, жумладан, серб раҳбарлари Радован Каражеч ва Ратко Младични қидириш билан шуғулланмайди, деб баёнот берди АҚШ ҳарбий вакили журналистлар билан суҳбатда.

## МАЛИКА ШАҲЗОДАНИ ТАРК ЭТАРМИКИН?

Мана бир неча йилдирки, Буюк Британияда шаҳзода Чарльз ва малика Диана ўртасидаги оилавий келишмовчиликлар нафақат қиролича Елизавета иккинчини, балки мамлакатда монархия тизимини ёқлаган кўпгина кишиларни ҳам ташвишга солмоқда. Гап шундаки, 47 ёшли шаҳзода ва 34 ёшли малика уч йилдан буён бирга туришмайди.

Яқинда қиролича Елизавета-II ўғли ва келинига бирга яшашни хоҳламас экансиз, яхшиси ажралишганларингиз маъқул, деган таклифни ўртага қўйди. Чарльз розилик билдирди. Бироқ, малика Диана ҳозирча бунга рози бўлмай турибди. Унинг ўтган йил ноябрь ойида берган телеинтервьюсида икки ўғли манфаатини ўйлаб, никоҳни бекор қилиш лозим эмаслигини айтган эди. Британия қонунларига кўра, агар эр-хотин беш йил бирга туришмаса, бундай ҳолда никоҳни бекор қилиш мумкин бўлади. Чарльз ва Диана эса уч йилдан бери бирга туришмайди. Демак, малика Диана ҳисобида яна икки йил муддат заҳирада турибди.

Бугунга келиб Лондондаги айрим газеталар хўш малика Диана ўзи охир-оқибатда нимани истаяпти, деган саволни ўртага кўндаланг қилиб қўйишмоқда. Матбуотчилар бу ерда иккита асосий ҳолни рўкач қилишяпти. Биринчидан, Дианага нима бўлганда ҳам кўпроқ пул бўлса оғирлик қилмайди. Иккинчиси, ҳозирги замонда ҳар ким ҳам малика мақомига эга бўлавермайди. Баъзи хабарларга кўра, агарда шаҳзода ва малика ўртасидаги никоҳ бекор қилинса Дианага ўн беш миллион фунт стерлинг (22,5 миллион доллар) пул тегармиш. Бошқа гаплар бўйича эса ҳар йили алимент тарзида у бир миллион фунт маблағ олиб турармиш. Ўша машҳур бўлган телеинтервьюда Диана махсус топшириқлар бўйича Буюк Британия элчиси бўлиш орзусида эканлигини айтганди. Дарвоқе, худди шу мақомда у Россия ва Аргентинага ҳам сафар қилганди. Бироқ, мамлакат ташқи ишлар вазири М. Рифкинд баёнотига кўра, малика Диананинг махсус топшириқлар бўйича элчи этиб тайинланиши «қиролича Елизаветанинг истак ва талабларини инобатга олган ҳолда» амалга оширилади.

Энди никоҳни бекор қилиш масаласига келсак, Диана ҳозирча бу саволга расмий жавоб берганича йўқ. У ўз адвокатлари рождество таътилидан қайтишгач, январь ойи давомида бу масалага жавоб беришни кўзда тутмоқда.

**(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## «30 ҚЎЙ ЖУНИГА БИР КАЛИШ»

**(«Ўзбекистон овози» 1995 йил, 28 ноябрь).**

Мақолани атрофлича кўриб чиқиб, республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидагиларни маълум қилади:

Мақола муаллифи хўжаликларда етиштирилаётган жун тайёрлов корхоналари томонидан паст нархда харид қилинаётганлигини ёзиб, харид нархини ошириш масаласини тўғри қўйган.

Республика Президентининг 1994 йил 22 августдаги Фармонига асосан хўжаликларда етиштирилаётган қоракўл тери, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилиниши муносабати билан бу маҳсулотларга эркин нарх белгиланган ва бугунги кунда хўжаликларда етиштирилаётган жун хом ашёлари келишилган нархларда харид қилинмоқда.

Республикада дағал жун хом ашёлари қайта ишлаш ҳамда уни тайёр маҳсулот ҳолига келтирувчи саноат корхоналарининг йўқлиги туфайли бугунги кунда арзон нархларда харид этилиб, асосан қўшни мустақил давлатларга «йўл» олмоқда.

Бу ҳол Келесдаги жунга дастлабки ишлов бериш корхонасида ҳам юз бермоқда.

Айни кунларда Келес жунни қайта ишлаш фабрикаси маъмурияти томонидан жунни ювиш ва уни калава ҳолига келтириш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етказилиб, лойиҳадаги асбоб-ускуналарнинг тажриба нусхаларини тайёрлаш учун тегишли корхоналарга буюртма берилди. Ушбу иш амалга ошиши ва бундан ташқари айни пайтда кўрилаётган тадбирлар амалга оширилиши билан газетада кўтарилган масалалар деярли ҳал бўлади.

**Республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Суюн ҚАРШИЕВ.**

*Муносабат*

# НУРХОНИНГ ҚАНИ, МАРҒИЛОН?

МАРҒИЛОН... Гўзаллик, одоб-ҳаё, садоқату вафода ўзбек аёлининг рамзига айланган машҳур Кумушбиби шаҳри... Қодирий даҳосининг энг ёрқин кашфиёти бўлмиш бу сулув санам боис Марғилон деганда албатта Отабек ва Кумушнинг қайғули севги достони ёдга тушади. Аммо, Марғилон яна бир Кумушдек пок, Кумушдек доно ва жасур, ўшандай гўзал ва ўз қисқа ҳаёт йўлини ундан-да фожиалироқ тарзда якунлаган қиз — Нурхон Йўлдошхўжаева шаҳри ҳамдир.

Нурхон ўша олис 20-йилларда зулмат ичра порлаган юлдуз мисол ўзбек саҳнасига чиққан истеъдодли ва жасоратли актриса эди. Унинг фожиали ўлими ёш ўзбек театр санъати учун мислсиз жудолик бўлганди. Юзини очиб, саҳнага чиққанлиги учун ўз қариндошлари томонидан ўлдирилган Нурхон ичкари рутубатидан қайноқ ҳаёт қучоғига отилган аёл рамзи бўлиб қолди. Нурхон ҳақида саноқсиз шеър, қўшиқ, достонлар, машҳур драма яратилган. Унинг образи миллионлаб ўзбек аёллари учун тўлақонли XX аср одами сифатида яшаш ва ишлаш намунасига айланди.

— 60-йиллар ўрталарида Марғилон ёшлари ўз маблағлари ҳисобига Нурхонга ҳайкал қуришди, — дея эслайди таниқли адиб ва шоир Адҳам Каримов, — ҳайкалтарош И.Иброҳимов талқинидаги сочлари майда ўрилган, ироқи дўппили, хаёлчан нигоҳини олисларга тикиб турган Нурхон ҳайкали шаҳар марказига ўрнатилди. Тошкент — Андижон ва Фарғона — Ёзёвон йўллари кесишадиган чорраҳа — майдондаги ҳайкал пойидан ҳеч маҳал гуллар аримас эди. Нурхон ўз она шаҳрига кириб келаётган меҳмонларни дастлаб кўриб-кузатиб қоларди. Ёдгорликнинг шундоқ рўпарасида эса шаҳар маданият уйи, Нурхон номидаги театр бинолари қад ростлаган. Хуллас, ҳайкал узукка кўз қўйгандек ўз жойига мос тушганди.

90-йиллар бошларида озод ўзбек аёли рамзи бўлмиш ёдгорлик кимларгадир ёқмай қолди. Ҳатто, 1991 йилнинг охирида айтишларича, бир гуруҳ мутаассиблар унга шикаст етказишган. Ўша пайтдаги шаҳар раҳбарияти эса тарихий ёдгорликка шикаст етказган кимсаларни тегишли жазога тортиш ўрнига таъмирлаш баҳонасида Нурхон ҳайкалини ўрнидан олдириб ташлаган. Орадан йиллар ўтди. Шу орада қатор ҳокимлар алмашди. Аммо ҳайкал ҳамон ўз ўрнига қайтарилгани йўқ. Шаҳар маданият бўлимига кириб, бу ҳақда суриштирган эдик. Мутасаддилар бу ҳайкалнинг ҳозир қаерда эканлигини ҳам билмаслигини айтишди. Беихтиёр «ўз ҳаётини аёллар озодлиги ишига бахш этган Нурхон ўлимидан 60 йил ўтгач, яна қайта ўлдирилдими?» деган фикрга борасан. Хўш, Нурхон хотирасини ҳурматлаш, ҳайкални тезда таъмирлаб ўрнига ўрнатишга нима монелик қилаяпти?

— Нурхон ҳайкали ўрнига тикланиши керак, — деганди унинг сафдошларидан бири, кекса фахрий, марғилонлик Адолат Йўлдошева. — Зеро, у 20-йиллардаги нафақат ўзбек аёли тақдири, балки бутун Туркистон тарихида ўчмас из қолдирган «Ҳужум» ҳаракати қатнашчилари, унинг юзлаб қурбонлари хотирасига кўрсатилган ҳурмат ҳамдир.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиз. Ҳайкалнинг шунча вақт қаердадир ётишига оддий бепарволик сабабми ёки нимадандир чўчиш, қандайдир журъатсизлик белгилари ҳам мавжудми?

Марғилон — ҳунармандлар, ҳалол, пок ишчи ва зиёлилар, тижоратчилар, фан ва дин арбоблари юрти. Исломий анъаналар бу ерда чуқур илдиз отган. Айни шу шаҳарда Бурхонуддин Марғиноний номидаги улкан мадраса қурилаётгани бежиз эмас. Узоқ йиллар топталган Исломий қадриятларимизнинг шаҳарда тикланиб бораётгани кўзни қувонтиради. Истиқлол шарофати туфайли шаҳарда ўнлаб масжидлар пайдо бўлди. Одамлар бемалол диний русумларни адо этмоқдалар. Ёшлар тарбияси, оилавий муносабатларни тўғри юритиш, кишиларни ҳалол-покликка даъват этишда масжидлар ўз маълум ижобий самарасини беряпти. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Исломий шиорларни байроқ қилиб олган айрим маҳмадона, чала мулла «арбоблар» билиб-билмай дунёвий тараққиёт йўлига ғов бўлмоқдалар. Бундай бақироқлар илм-фан ютуқларини бутунлай инкор этади. Аёлларни яна ўша ўрта аср «ичкариси»га маҳкум этиш борасида амри-маъруф юритади. 1991-92 йилларда ана шундайлар тазйиқи билан Марғилон шаҳридаги қатор кутубхоналар... масжидга айлантирилди. Шаҳар музейи биносида мадраса очиш учун ҳаракат қилинди. Ҳатто вилоят бошқарув идораларидан бирининг биносини ҳам «бизга берасан!» дегувчилар топилди.

— Уч-тўрт йил аввал, — дейди «Ёрқин» маҳалласи оқсоқоли Тожибой ака Ҳакимов, — маҳалладаги туппатузук ишлаб турган кутубхона йўқ қилиниб, ўрнига масжид ташкил этилди. Маҳалла марказида фаол ишлаётган шахмат тўгараги, теннис гуруҳи ҳам йўқ бўлиб кетди. Мен масжид бўлишига қарши эмасман. Ўзим ҳам оллоҳга шукр, беш вақт намозни канда қилмайман. Ислом — ота-боболаримиз дини. У биз учун ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат. Бироқ, уни ортиқча суиистеъмол қилмаслик керак. Қаранг, маҳалламиз марказидаги 500 метр нарида катта «Хонақа» масжиди, 200 метр масофада «Жалоир» масжиди, шундан 50 метр нарида эса яна бир масжид ишлаб турган шароитда зиё маскани — кутубхонани ҳам масжидга айлантириш шартмиди? Кўпчилик талаби билан йил бошида кутубхонани яна тикладик. Шахмат, теннис тўгараклари ҳам ишга туширилди.

Вилоят маданият бошқармасидан олинган маълумотга кўра, шаҳардаги кутубхоналарнинг бир қисми ҳам масжид вазифасини ўтаб келаётир. Аслида масжид ҳам, кутубхона ҳам, бир мақсадга — инсон қалбига эзгу ҳислар солиш, уни поклик, ҳалоллик ва диёнатга етаклашга хизмат қилади. Шу боис бу икки қутлуғ даргоҳнинг бир-бирини инкор этиши ғайри табиий ҳолдир. Ахир ўтмишда кутубхоналар масжидлар ёнида бўлган-ку! Иккала даргоҳ учун ҳам етарли шароит ва жой ҳозирлаш шаҳар мутасаддиларининг вазифаси эмасми...

Хуллас, айтаверсак гап кўп. Лекин ниятимиз холис: фавқулодда истеъдодли актриса Нурхон Йўлдошхўжаева ҳайкали ўз ўрнида тикланса, деган умиддамиз.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Спорт*

## ФИШЕР МЕҲМОН БЎЛАРМИКАН?

**АМЕРИКАЛИК моҳир шахматчи Роберт Фишерни мухлислар яхши билишади.**

Халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжинов Фишерни Россияга таклиф қилиб, Қалмиқияда меҳмон бўлишга чорлади. Янги президент ҳозир Фишер яшаб турган Будапештда у билан учрашиб, унинг розилигисиз бир вақтлар собиқ Иттифоқда чоп этилган китобининг қалам ҳақини ҳам беришга ваъда берди. Шахмат оламида изсиз йўқолган Фишер шу баҳона яна юзага чиқармикан?

## ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ

**МОСКВАДА МДҲ чемпионлари кубоги учун анъанавий мавсумолди мусобақасини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.**

Маълумки, икки йил аввал Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари бу мусобақада иштирок этиб, ғолибликка даъвогарлик қилишган эди. Футболчиларимиз бу йилги мусобақага ҳам тайёрланишмоқда. Учрашувлар 26 январдан 3 февралгача давом этади. Мукофот учун 120 минг АҚШ доллари ажратилган. Бу маблағнинг 35 фоизи ғолиб жамоага берилади. «Нефтчи» футболчилари бу гал «А» гуруҳида Риганинг «Сконто», Кишинёвнинг «Зимбру» ҳамда танловдан ташқари иштирок этадиган Россия ёшлар жамоаси билан майдонга тушадилар. Вакилларимиз биринчи учрашувни «Зимбру» футболчилари билан ўтказадилар.

## Сулаймон Эгамбердиевич АЗИМОВ



Мамлакатимиз фани ва маданияти оғир жудоликка учради. Таниқли жамоат арбоби, педагог ва олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сулаймон Эгамбердиевич Азимов 88 ёшида вафот этди.

Сулаймон Азимов 1908 йилда Қирғизистоннинг Ўш вилояти, Ўзган туманида, камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Ота-онасидан жуда ёш ажралгач, у мактаб-интернатда, Тошкент педагогика техникумида тарбияланди, таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлаган Сулаймон Азимов, ўзининг ўта тиришқоқлиги, саводлилиги, ўткир зеҳнлилиги, миллий тикланиш ишига берилганлиги билан кўзга ташланиб, 1929 йилда Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби, 1930 йилда эса «Батрак» газетаси муҳаррири лавозимларига кўтарилди. 1931 — 1932 йилларда у Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши Ўрта Осиё бюроси масъул ходими вазифасида ишлади. 1932 — 1937 йилларда Москва тарих, фалсафа ва адабиёт институти фалсафа факультетида ўқиди. Сулаймон Азимов профессионал файласуф ихтисосини олган биринчи ўзбек зиёлиларидан эди. 1937 — 1938 йиллар давомида у Ўрта Осиё Давлат университети ва Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида фалсафадан дарс берди. Шу оралиқда, қисқа вақт давомида, Тошкент шаҳар партия комитети бўлим мудири бўлиб ишлагач, Сулаймон Азимов 1938 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва партиявий журнал муҳаррири этиб тайинланди. 1939 йилда партия Марказий комитети котиби лавозимига сайланди. Айни пайтда, 1939 — 1941 йилларда, Партия тарихи институти директори вазифасини ҳам бажарди.

Чуқур билим соҳиби, миллатсевар, ватанпарвар, она-юртимиз мустақиллиги пойдеворига ғишт қўйган фидойи инсонлардан бири — Сулаймон Азимовни ҳам қатағон қуюни четлаб ўтмади. У умрининг қарийб 15 йилини (1941-1955) турма ва қамоқ лагерларида ўтказди.

Эътиқоди бутун, ҳақиқат учун мардонавор курашларда букилмаган С. Азимов 1955 — 1983 йилларда республика маданият вазири ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти шўъба мудири, катта илмий ходими бўлиб хизмат қилди.

Унинг Ватанимиз фани ва маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси қатор давлат орден ва медаллари билан тақдирланди.

Сулаймон Эгамбердиевич ўзининг ибратли ҳаёти, юксак маънавияти, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан мураббийси, меҳнатсеварлиги, инсонийлиги билан мамлакатимиз илму фани аҳли, маданият арбоблари, қалам соҳиблари, зиёлилари ўртасида катта обрў орттирди.

Ажойиб инсон, олим ва арбоб, устоз Сулаймон Азимов хотираси уни билган кишилар қалбида сира ўчмайди, она-Ватанимиз тарихида абадий қолади.

**«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти,**
**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги,**
**Ўзбекистон РФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси.**

«Ҳамал» корхонаси жамоаси корхона директори Бахтиёр Бобоновга отаси **Раббимкул БОБОНОВ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Тожибой Мирқосимовга волидаи муҳтарамаси **Зебинисо ая ТУРДИБОЙ қизи**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Машҳур "БЕТА" халқаро ўртоқлик фирмаси кенг турдаги шоколад маҳсулотлари ҳамда Цейлоннинг олий навли чойларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

*Таклиф этилаётган турли навли чойлар ўзининг мазаси жиҳатидан дунёда маълум ва машҳурдир.*

*Машҳур чой турлари:*
BAYCE TEA ( БАЙЖЕ ЧОЙ), BETA TEA (БЕТА ЧОЙ), HOWDAH TEA (ХОУДАХ ЧОЙ)
*Шоколад турлари:*
GOLD GRAND (ГОЛД гранд), MONDIL (МОНДИАЛ)



Машҳур Цейлон чойларининг олий нави бўлиб, Оврупо ва Осиё бозорларида унга талаб кучли.





Юқори навли, юксак сифатли, хушбўй Цейлон чойларидан бири.






Юқори сифатли, жаҳон стандартларига мос келадиган нав.



Денгиз сатҳидан анча юқорида етиштирилган жаҳонга машҳур чой нави.

"БЕТА" Ўзбекистон аҳолисини шоколад маҳсулотлари ва Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга ТАКЛИФ ЭТАДИ.

*Улгуржи харидорларга имтиёз берилади.*

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 119.
Телефонлар: 48-04-97, 48-05-10. Факс: 48-09-90.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД" *Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.*



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56;
Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қўнғиротда -- 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22. 00.

1 2 3 4 5 6.